



# Mahalla


ШАНБА

2014 йил 10 май,  
№39 (1006)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда



Қўрғонқўрғон (ЎзА) ахборот хизмати

Инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўтабардир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кенг нишонланган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай инсонпарвар тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу сана урушларда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қилдириш, бугун сафарларимизда юрган, осмонимиз мусоффолиги, юртимиз раванги йўлида хизмат қилган нурунийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган эгу маросимдир.

Бундай кунларда бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мусоффо осмон, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Бизга насиб этган муқтадирлик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини тереқроқ англаймиз.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган ота-боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ уруш қатнашчилари ва нагиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира май-

дони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади. Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр содалари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун барча ватандошларимиз, бутун халқимиз Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган улғ айёмни, фашизм устидан қозонилган Галабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Шу кунларда барчамиз ўз инсоний бурчимизни адо этиб, бугунги тинч ҳаётимиз учун, мусоффо осмонимиз учун жанг майдонларида жон бериб урушдан қайтмаганларни эслаймиз, уларнинг арвоқларини шод этиб, ўчмас хотираси олдида баш эгамиз.

Бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечириётган, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуруний отахон ва онахонларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, Галаба кунини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматимни билдириш билан уларга ўз номимдан, бу-

тун халқимиз номидан бардамлик, узоқ умр, бахтли ҳаёт тилайман, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётимизга, хонадонларимизга фойз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга ғам-хўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини, бу ҳаёт ғанимат эканини унутмаслигимиз зарур, деса, барчаннинг фикрини ифодалаган бўлман.

Айтиш мумкинки, кишилик тарихидаги энг қонли, энг катта йўқотиш ва мислсиз қурбонларга, эл-юртимиз ўртасида қанча-қанча мусибат ва офатлар, ғам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бешафқат уруш тугатилганда буён ораддан қарий 70 йил ўтмоқда. Лекин юртимизда бирорта хонадон йўқки, бу машвум урушни эсидан, ҳаёлидан чиқарган бўлса.

Ҳаётимизда, бу борада баъзи бир рақамларни такрор ва такрор эсимизга олишимиз, болаларимизга, ёш авлодимизга etkazиб туриш учун уларни доимо хотиромизда сақлашимиз зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Агар урушдан олдин мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроги жангларда қатнашган. Ёки ўша пайтдаги халқимизнинг тахминан учдан бир қисми қўлга кўз олинб, жанг жадалларида шитроқ этган, қонини тўққан.

Ўша ёвзу урушда 500 мингга яқин юрт-

дошларимиз ҳалок бўлган, қанча одам бедарак кетган, қанча-қанча инсонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган.

Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан галаба қозонишга қандай улкан, ҳеч унутилмас ҳисса қўшганини кўрсатади ва бунини бирортомиз ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Бу ҳақда гапирганда, уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш тўғрисида **Ўзбекистонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошлана берган, ҳатто охириги нонини ҳам улар билан баҳам қўрган халқимизнинг фидойилиги, бағри-кенглиги ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий қудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айни мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади,** деб таъкидлади Юртбошимиз. Шунинг учун ҳам урушда ҳалок бўлганларнинг, урушдан қайтмаганларнинг номларини озим пойтахтимизнинг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонларида **олтин ҳарфлар билан муҳраб қўйиб, бундан 16 йил олдин 9 май санасига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор таъкидлаб бермоқда.**

(Давоми 2-бетда).

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистоннинг маҳалла институтини ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси Жанубий Корея экспертларида катта қизиқиш уйғотди

Сеул шаҳрида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятини мустақамлашнинг муҳим механизми» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистоннинг маҳалла институтини ривожлантириш мисолида фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги тажрибаси муҳокама этилди. Илмий-амалий давра суҳбатида Жанубий Корея эксперт-таҳлил доиралари вакиллари қатнашдилар.



Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги элчихонаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан Жанубий Кореянинг «Ипак йўли» жағрмаси ва Ханян университети ҳузуридаги Осие-Тинч океани тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бугунги кунда мунтазам равишдаги мулоқот ҳамда муносабатларни янада самарали ривожлантиришга бўлган муштарақ интилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ҳар икки мамлакат улкан иқтисодий салоҳиятга эга, улар ўртасида энг қўлай режим амал қилмоқда. Маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш ҳамкорлигининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Тўғриватим, илм-фан, спорт, маданият, тиббиёт ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқалар самарали ривожланипти, талоблар, ўқитувчи ва мутахассислар ўртасида ўзаро

алмашувлар фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси икки томонлама кенг қўламли алоқаларни янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратади. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўз индизлари билан узок ўтмишга бориб тақалади — Буёқ Ипак йўлида жойлашган давлатлар ўзаро иқтисодий алоқаларини йўлга қўйишган. Бугунги кунга келиб бундай муносабатлар янги кучли туртки олгани ҳолда, улар ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асослангандир.

Ўзбекистон делегациясининг Сеулга мазкур сафари ҳам томонларнинг яқин шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш ва мустақамлаш мавзуси қўлгина давлатлар, хусусан, Корея Республикаси учун ҳам долзарбдир.

> [2]

### БУГУННИНГ ГАПИ

Маслаҳатчининг маънавий тарғиботи ҳаётини, таъсирчан ва самарали бўлиши керак

#### Биринчи мақола

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг ўрни нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланиб, шундай дейилади: «Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало, маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз.

■ Ю. ҲОЖИЕВА  
«Mahalla»

Шу сабабли биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъоналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий вако-

латларини кенгайтириш билан бево-сита алоқадор эканини ўзимизга яқин тасаввур қиламиз».

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тереан ҳаётини мулоҳазаси бугунги кунда маҳаллаларда маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган изчил сиёсатда ўз ифодасини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз-

нинг 2004 йил 25 майдаги тегишли фармони билан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилгани ҳам ана шу мақсадлар йўлидаги хайрли қадамлардан биридир. Утган 10 йил мобайнида катта ҳаётини тажрибага эга, аҳолига, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий урф-одат ва анъоналарни асраш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказадиган, шахсий намуна бўла оладиган фаол аёллар худдаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқдалар. Бундай соғий-ҳаракатлар юртимизда тинчлик-осойишталик ва ҳавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ҳамда ривожлантириш кўз қорачиқига сақлаш ва мустақамлашда қанчалик қўл келаётгани кундек равшан.

> [3]



### ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЭЪТИБОРДА

Муаммолар ўз вақтида ечим топмоқда

Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан кўзланган мақсад эл фаровонлигини таъминлаш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир.

■ Холбиби САФАРОВА  
«Mahalla»

Истиқлол йилларида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, фуқароларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида мустақам ҳуқуқий асос яратилди. Айниқса, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингани ҳар бир инсоннинг ариза, шикоят ва так-

лиф билан тегишли идораларга мурожаат қилишига ва бу мурожаатнинг белгиланган муддат ҳамда тартибда кўриб чиқилишига омил бўляпти.

Таъкидлаш жоизки, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун айни пайтда ваколат доираси кенгайтириб, жамият ҳаётидаги нуфузи тобора ошиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

> [3]

### ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

Янгича шароит янгича ёндашув самарасидан

Кейинги йилларда юртимизнинг барча худудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам янги қурилган, таъмирланган, таъминланган мебель жиҳазлари, ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган фуқаролар йиғинлари бинолари сони ортиб бормоқда.

■ Абдураҳим САТТОРОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси.



Утган йили вилоятдаги 3 та фуқаролар йиғини ўз балансидаги янги бинога эга бўлди. Жумладан, Жиззах туманидаги «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғини замонавий лойиҳа асосида қурилган бинога кўчиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳомийлар кўмагида бу бино мебель ва компьютер жамланмалари билан таъминланди. Янги жойда раис, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, профилактика инспектори хоналари ҳамда аҳоли учун зарур савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва маҳаллий ҳокимиятлар кўмагида вилоятнинг олис туманларидаги фуқаролар йиғинлари, яъни Бахмал туманидаги Қатортол, Новақ кишлоқларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари янги бинога жойлашди.

> [3]





ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЭЪТИБОРДА

# Муаммолар ўз вақтида ечим топмоқда

< [1]

— Жорий йилнинг биринчи чорагида маҳалладошларимиз йиғинимизга 7 марта ёзма ва 17 марта оғзаки равишда мурожаат қилинди, — дейди Қизилтепа туманидаги «Малиқобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зейдулла Азизов. — Мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, тегишли жавоб берди. Жумладан, моддий ёрдам сўраган Қудрат Тилаовга тадбиркор Улуғбек Файзиев ҳомийлигида бир бош қорамол олиб берилди. Уялига иморат қуриш учун ер сўраб мурожаат этган Розия Мавлонованинг талаби ҳам қондирилди. Маҳалла раиси муаммоларни спорт майдончаси берпо этилишини сўраб мурожаат қилишганди. Туман ҳокимлиги билан келишиб, жой ажратилди ва айни пайтда Қизилтепа пахта тозалаш заводи ҳомийлигида спорт майдончаси бунёд қилинмоқда.

Маҳалла фуқаролар мурожаатлари билан ишловда маъсул котиб Жамила Ҳақбердиева, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Юлдуз Жумоева, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори Алишер Норов ҳамда профилактика ноҳири Райхон Чинқулловнинг хиссаси катта.

Маҳалла фаоллари бирор-бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмаётгани, муаммолар ўз вақтида ечим толовгани аҳолининг фуқаролар йиғинига ишончини оширмоқда. Шу боис яқинда ҳудудда яшовчи фермерлар Хусниддин Бозоров ва Асад Ҳабибов ўзаро келишиб, ўз ҳисобларидан йиғинга янги компьютер жамланмаси совға қилишди.

Хуллас, маҳалла одамларга, одамлар маҳаллага қўлқонот, таянч сўнча бўлмоқда.



ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# Ташвишларда бордек ҳаловат

Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси ҳақида гап кетганда, Наманган шаҳрида биринчилар қаторида «Янги ҳаёт»даги осойишталик жонқуярлари тилга олинади. Бунинг сабаби бор, албатта. Наманган тумани билан туташ ушбу фуқаролар йиғинида кейинги йилларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандлик даражасини ошириш юзасидан изчил чора-тадбирлар белгилангани яхши самара бермоқда.

■ Нурбек АБДУЛЛАЕВ,  
Илҳомжон РАҲМАТОВ.

Буни кўйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин: сўнги икки йил мобайнида маҳалладаги нотинч оилалар сони кескин камойди, оғир жиноятлар содир этиш ҳоллари қарийб икки баравар озайди. 2012-2013 йилларда вояга етмаганлар орасида жиноятлар содир этилмагани ҳам диққатга сазовордир. Албатта, бундай кўрсаткичлар замирида маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари ва фаолларининг, шу жумладан, посбонлар тузилмаси сардор ва аъзоларининг хизмати катта. Чунки бу

каби ижобий натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Йиғиндаги 1250 дан ортик хонадонда 1700 га яқин оила истиқомат қилади. Аҳоли сони 8400 нафардан зиёд. Фақат пухта режага, тизимли ва ососли тадбирларга таяниб иш кўришигина муваффақият келтириши мумкин. Буни фаоллар, посбонлар жамоатчилиги тузилмасининг ҳар бир аъзоси яхши тушунади.

Қарийб олти йилдирки, ҳудуднинг «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмасига ёш ва фидойи сардор Анваржон Мирсаидов раҳбарлик қилади. У ўз вазифасини пухта билгани, тинимсиз изланиши боис шаҳордаги

БУГУННИНГ ГАПИ

# Маслаҳатчининг маънавий тарғиботи ҳаётини, таъсирчан ва самарали бўлиши керак



< [1]

Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида Низомда кўплаб устувор вазифалар белгиланган. Жумладан, маслаҳатчилар ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаолиятини оширишга масъулдирлар. Қолаверса, аҳолида, энг аввало, ёшларда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар йиғини ҳудудида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли амалга ошириш, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўлиши ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини аҳоли онига синдиришда ҳам маслаҳатчилар фол қучга ойланishi даркор.

Бундай вазифаларни тўлақонли бажариш маслаҳатчининг катта масъулияти билан ишланиши тақозо этади. Халқимиз кўзлаган ягона мақсад — овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда улар кишиларни муайян ғояга иштириши, уюштириши, сафарбор қилиши, маънавий-руҳий рағбатлантириши, ғоявий тарбиялаш ва ғоявий иммунитетни шакллантиришда фаоллик кўрсатишлари, маънавий уйғоқ бўлишлари жуда муҳим. Бунда энг самарадор омиш, шубҳасиз, тарғибот тадбирларини изчил ва таъсирчан йўлга қўйишдан иборатдир.

Афсуски, барча йиғинларда ҳам диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти тизимли йўлга қўйилган, тарғибот тадбирлари қўтилган самараларни бермоқда, дея олмаимиз. Айрим жойларда бундай ишлар шунчаки ҳужақурсинга, зўрма-зўрақилик билан ўтказилаётгани, аҳоли етарлича қамроб олинмаётганига ғувоҳ бўламиз. Маънавий тарғиботни бир мuddат ҳам пайсалга солиб бўлмайдиган айни дамларда маслаҳатчилар бундай камчиликларга йўл қўймасликлари, ўз фаолиятига танқидий ва давр талаблари асосида ёндашишлари, тарғиботда турли интерфаол усулларни жорий этиш борасида изланишлари лозим.

Шуниси муҳимки, тарғибот миллий ғоя ва миллий мафкура мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина қўтилган натижага эришиш мумкин. Миллий ғоя ҳеч қачон кишиларнинг онги ва дунёқарашини бошқариш, уларни қандайдир

«қолипга», «ягона андозага» солишга қаратилган эмас. У эркин фикрни уйғотиш ва фикр эркинлигини кафолатлаб бериш, ўзгалар фикрини тинглаш, эшитиш ва айтишга имконият яратолади. Бундай натижаларга эришишда узлуксизлик, босқичма-босқичлик, фаоллик, мафкура эътиборига айлантириш, иш ва сўз бирлиги, шахсий ибрат, ҳаётийлик (ютуқлар билан бирга камчиликларини ҳам кўрсатиш) тамойиллари асосий мезонга айланishi керак.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг янги ҳаёт ва усулларидан фойдаланганда айни шу мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, маҳалла аҳолида ахлоқий фазилатларни шакллантириш жараёнида тарғибот тадбирининг мақсади ва мазмуни, уларнинг маърифий, тарбиявий ва таъдирий ахлиллигини таъминлаш, фойдаланиладиган манбаларнинг ранг-баранг ва қизиқарлиги, ҳаётини бўлишига аҳамият қаратиш лозим. Маҳалла-ларда ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-тарбиявий ишларнинг ахлоқий мазмунига сўхбатлар, ўйин, байрам, мунозара, мушоира, маросим, кеча ва бошқа тадбирлар шаклида уюштирилиши тадбирнинг қизиқарли ва жонли ўтишини таъминлайди.

Маҳаллада нуруний отахону онахонларнинг ҳурмати банд, ёши катталарга алоҳида эҳтиром кўрсатилади, уларнинг гап-сўзларига қулқ тутилади. Тарғиботда маҳаллада шаклланган айнан шундай фазилатлардан фойдаланиш низоҳатда қўл келади. Жумладан, ҳар бир ишда катталарнинг шахсий намунаси, панд-насихатлари ёшларни но-тўғри қарашлардан ҳимоялайди. Тадбирларни маърузабозликка айлантириш асло самара бермайди. Долзарб мавзуларда кишилар билан дилдан сўхбатлаш, ўйин ва машқлар ўтказиш, муаммоли вазиятларни таҳлил этиш усулларидан фойдаланиш тадбирлар таъсирчанлигини оширади. Кишиларнинг қизиқишини орттириб, шахсий фикрини шакллантиришга, оқни қорандан ажратилишига қўл келадиган аҳамиятга эришиш зарур.

Фаол иштирокчилар доимо рағбатлантирилиши керак. Ижодкорликни қўллаб-қувватлаш ҳам улорга берилган рағбат.

Маслаҳатчилар — маҳалладаги жонқуяр тарғиботчилардир. Улар учун бугунги кунда тарғибот воситалари низоҳатда кенгайган. Хусусан, интерфаол усулда, тақдиротлар ранг-баранглигидан фойдаланган ҳолда, оммавий ахборот

воситалари, интернет сайлари кўмагида ва бошқа оммилар орқали тарғибот юритиш имкони мавжуд. Модерники, ёшларимиз интернет тарғиботидан фойдаланишни кундалик одатга айлантиришган экан, маслаҳатчилар ҳам ушбу тизимда ишлай билишлари, бунинг учун, аввало, информатика соҳасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашлари зарур. Зотан, дунёда мафкуравий кураш тобора кучайган ҳозирги шароитда фарздорларимиз турли таҳдидлар оғушида қолмоқда. Фарзали кўчалар ўз мақсадларини ҳар қандай восита орқали ёйишга уринмоқдалар. Уларга, айниқса, интернет тарғиботидан «мижоз» излош ҳар жихатдан қўлайлигини унутмаслигимиз лозим.

Барқарор тараққиёт йўлини белгилаб олган, ҳам иқтисодий-сиёсий, ҳам ижтимоий-маънавий соҳаларда юксалиб бораётган давлатимизнинг муваффақиятларини қўллаб-қўллайдиган кўчалар бугунги кунда аҳамиятнинг фикрини қалғитиш, салбий мунособатлар уйғотиш мақсадида энг розил йўллардан фойдаланишга уринмоқдалар. Пуч ғоялар, уйдирмо варақалар, давлатимиздаги барқарорликни издон қиқоришга ёлланган радиостанциялар, экстремистик адабиётлар, баъзи давлатчиларнинг асоссиз миш-мишлари аслида халқимизнинг тинчлигини бузишга, мамлакатни пароканда қилишга қаратилган жирканч хатти-ҳаракатлардир.

Маслаҳатчилар эса бундай мафкуравий бўҳтонларга чалғимаслик учун аҳолини маънавий курашлантиришлари, хатарли мафкураларни зарарсизлантиришлари лозим. Манфур кўчаларнинг фарзли фикрлари, пуч ғояларнинг асл моҳиятини аҳолига етказишда, аввало, уларнинг мақсадлари очик, холис ўрганилиши, ушбу хатарлар ҳар биримизга қарши қаратилганини ангайтиш зарур.

Президентимизнинг «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган тамойили ноқадор ҳаққоний эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Демак, ёт ғояга олишдан ғоямиз билан курашиш энг ишончли йўл ва бундай илдашув ва кўникмаларни ҳар бир инсонда тарбиялаш жоиз.

Миллий ғояни аҳолининг онги ва қалбига синдиришда аниқ мақсадни белгилаш, тадбирлар ўтказиш билан бир қаторда натижани сарҳисоб қилишнинг ҳам аҳамияти катта.

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

# Янги чора-тадбирлар янги чора-тадбирлар янги чора-тадбирлар самарасидан

< [1]

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳашарлар уюштирилмоқда, айни пайтда ҳомийлар кўмагини ҳам самарали фойдаланилмоқда. Утган йили март ойида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган маблағ ҳисобидан Фориш, Пахтакор, Жиззах, Зомин, Бахмал туманларида ҳамда Жиззах шаҳридаги фуқаролар йиғинларининг ўз балансидаги биноларини таъмирлаш мақсадида 58,5 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 6 миллион сўм маблағ ажратилди. Утган йили август ойида ўтказилган ҳашар мобайнидаги ҳисобидан Арнасой, Бахмал, Жиззах, Фориш, Галларол туманларидаги фуқаролар йиғинлари биноларини таъмирлашда 15,5 миллион сўм сарфланди.

Соғлом бола йилида ҳам маҳалла идораларини таъмирлаш, янгиларини барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Арнасой туманидаги «Чинобод» ва Бобур номидаги фуқаролар йиғини бинолари ҳомийлар кўмагида замонавий қиёфга келтирилди.

Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 306 та фуқаролар йиғинидан 123 таси ўз балансидаги бинога эга. Қолганлари турли ташиқлотларнинг биноларидан беғараз фойдаланиб келмоқда. Бу биноларда ҳам маҳалла-ларнинг тўлиқ фаолият юритиши учун етарли шароит яратилган. Жорий йилда ушбу бинолардан 50 тасини фуқаролар йиғинлари балансига ўтказиб бериш ҳамда таъмирлаш режалаштирилган.

худудларидаги фуқаролар йиғинларига берилди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга ижарага бериши белгиланган. Бу эса фуқаролар йиғинлари учун кўшимча маблағ топиш имконини яратолади. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари коммунал хизматлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар ҳамда преференциялардан фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилгани уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имкониятини кенгайтиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги 37-сонли баёни билан тасдиқланган «2014 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар» Дастури ижросини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлар бу йил ҳам изчил давом эттириляётган. Жумладан, ҳар бир туманда биттадан жами 13 та фуқаролар йиғинини намунавий ҳолатга келтириш бўйича иш олиб боришмоқда.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда Фонд маблағлари қаторида, ҳомийлар кўмагини ҳам, ҳашарлардан самарали фойдаланиш бўйича тегишли маҳаллий ҳокимликлар билан амалий чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Маҳаллаларнинг замонавий биноларга эга бўлиши, ахборот коммуникация технологиялари ва мебеллар билан таъминланиши фаолият самарадорлигини янада оширади. Шу боис Фонднинг вилоят бўлими фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улорга услубий, амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, халқимизнинг тарихан таркиб топган миллий-маънавий қадриятларини изчил тарғиб қилишда, энг яхши удув ва аъналарини оммалаштиришда, моданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолигини янада оширишга асосий эътиборни қаратаётган.



СУРАТДА: посбонлар сардори Анваржон Мирсаидов (чапда) маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Баҳромов билан.

ҳамкорликда иш олиб бориш имконини бериши.

Халқнинг тинч-осойишта ҳаётини химоялашдек шарафли, айни вақтда масъулияти юмушга бел боғлаётган «Янги ҳаёт» посбонлари эл қорига камарбаста бўлаётганликларидан мамнунлар. Зеро, бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик барқарор экан мамлакатимиз тароққиётнинг ойдин йўлидан дадил бораверади.